

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD, доцент Мавланов Нормўмин Нормаматович,

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистан

Email: mavlanovnormumin@mail.ru

https://orcid.org/0000-0001-5117-4658

IMPROVING THE METHODOLOGY OF BUSINESS CONTINUITY ASSESSMENT OF ENTERPRISES

PhD, доцент Mavlanov Normumin Normamatovich,

Tashkent institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan

Email: mavlanovnormumin@mail.ru

https://orcid.org/0000-0001-5117-4658

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини баҳолаш зарурияти ва унинг муҳим жиҳатлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш методикаси ва унинг модели ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини баҳолаш модели иккита муҳим мезонга таянган ҳолда молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар асосида баҳолашга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилган. Фаолият узлуксизлигини баҳолашда молиявий мезонларда маблағлар айланувчанлиги, молиявий барқарорлик, фаолият самарадорлиги, банкротлик эҳтимолини баҳолаш, боғлиқликнинг "Олтин қондаси" каби кўрсаткичларга, номолиявий мезонларда эса кадрлар ҳаракати, бошқариш ва ташиқлотчилик, технологияларни ўзлаштириш даражаси, товарларни рақобатбардошлик даражаси, бозор конъюктураси каби кўрсаткичларга таянилган. Молиявий кўрсаткичлар корхонанинг молиявий жиҳатларини таҳлил қилиш орқали баҳо берса, номолиявий кўрсаткичлар эса молиявий кўрсаткичлар воситасида аниқлаш имкони бўлмаган лекин фаолият

узлуксизлигини баҳолашда муҳим бўлган жиҳатларини ўрганиш имконини беради.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш модели республикамизда амалда қўлланилаётган меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Ушбу моделдан тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари, лизинг ташиқлотлари ва кредит бюрolari кредит билан боғлиқ муомилаларни амалга ошириш жараёнида фойдаланишлари мумкин. Ушбу моделда молиявий кўрсаткичлар тадбиркорлик субъекти фаолиятини таҳлил қилиш орқали келгусида узлуксиз фаолият юритишида молиявий жиҳатларига баҳо беради. Номолиявий кўрсаткичлар эса молиявий кўрсаткичлар орқали баҳо бериш имкони бўлмаган жиҳатларига эътибор қаратади.

Abstract. In the article, the need to assess the continuity of business entities and its important aspects, as well as the methodology and model for assessing the continuity of business entities have been developed. It is shown that the model for assessing the continuity of business entities focuses on two important criteria, i.e. financial and non-financial indicators. In the assessment of

continuity of activity, financial criteria are based on indicators such as turnover of funds, financial stability, operational efficiency, assessment of the probability of bankruptcy, the "Golden rule" of dependence, and non-financial criteria are based on indicators such as personnel movement, management and organization, the level of technology adoption, the level of competitiveness of goods, and the market conjuncture. Financial indicators assess the company's financial aspects by analyzing them, while non-financial indicators allow studying aspects that cannot be determined by means of financial indicators, but are important in assessing the continuity of activity. The model for assessing the continuity of business entities' activity was developed based on the regulatory documents in practice in our republic and research conducted by economists. This model can be used by business entities, commercial banks, leasing organizations and credit bureaus in the process of credit transactions. In this model, financial indicators evaluate the financial aspects of the future continuous operation of the business entity by analyzing its activities. Non-financial indicators focus on aspects that cannot be assessed through financial indicators.

Калим сўзлар. Фаолият узлуксизлиги, узлуксизликни баҳолаш, маблағлар айланувчанлиги, молиявий барқарорлик, фаолият самарадорлиги, кадрлар ҳаракати, бошқариш ва ташкилотчилик, технологияларни ўзлаштириш даражаси, товарларни рақобатбардошлик даражаси.

Keywords: business continuity, continuity assessment, assets turnover, financial stability, efficiency, personnel turnover, management and organization, level of technology adoption, competitiveness of goods level.

Кириш. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттираемиз[1]. Республикамизда амалга оширилаётган

иқтисодий ислохотларнинг замири тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари сони ошиб фаолияти барқарор ривожланиб бормоқда. 2022 йил 1 август ҳолатига кўра, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони 566,0 мингтани ташкил этмоқда[3]. Тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайиши инвесторлар, молиявий ресурслар ажратадиган тижорат банклари, мол-етказиб берувчи ва пудратчилар, харидор ва буюртмачилар олдида узлуксиз фаолият юритадиган корхоналар билан ҳамкорлик қилиш зарурияти юзага келади.

Тадбиркорлик субъектларига ҳукуматимиз томонидан юқори эътибор қаратилиши уларнинг сонини ошишига ва фаолиятни бошлаш ҳамда узлуксизлигини таъминлаши учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошаётганлигини кўришимиз мумкин. Тадбиркорлик субъектлари молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини асосан банк кредитлари ҳисобига қондириб келмоқда. Бу эса банк ва тадбиркорлик субъекти олдида кредит рискинни вужудга келишига олиб келмоқда. Кредит рискинни минималлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири тадбиркорлик субъекти фаолияти узлуксизлигини баҳолашдир. Тадбиркорлик субъектининг кредитга лаёқатлигини баҳолашда фаолият узлуксизлигини баҳолаш кредит рискинни минималлаштириш имконини беради.

Материал ва метод. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини баҳолаш масалаларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларида кенг эътибор қаратилган.

Жумладан, Германияда узлуксизлик тамойили савдо кодексининг 252-бандида биринчи марта расман ўз аксини топган: "Баҳолашда агар бунга амалий ёки ҳуқуқий ҳолатлар тўсқинлик қилмаса, ташкилот фаолияти узлуксизлигидан келиб чиқиш зарур"[2].

Гайонг Жи ва Жонг Юн Лиларнинг фикрича, агарда компания келгусида ўз фаолиятини давом эттириши аниқ бўлса, бу узлуксизлик тамойилини акс эттиради[4].

Соҳанинг етакчи олими Н.Хажимуратов фикрича, узлуксизлик-хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг узлуксизлиги юридик шахс сифатида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ўзининг барча мажбуриятларини бажариб, барча активларни сотгунга қадар ўз фаолиятини амалга ошириш имконияти ва қизиқишига эга эканлигини таъкидлаган[5].

Нгуен Тхи Ха Ми бизнеснинг узлуксизлигини баҳолаш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблайди[6]:

- фаолият узлуксизлигини баҳолашга доир далилларни тўплаш;
- фаолият узлуксизлигини баҳолашда молиявий ва хўжалик фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш;
- фаолият узлуксизлигини баҳолашда бизнес рискларни аниқлаш ва ушбу рисклардан келиб чиқиб бизнеснинг узлуксизлигини баҳолаш.

Иқтисодчи олим И.Чориев таъкидлашича, фаолият узлуксизлигини баҳолаш – бу корхонанинг инқироз шароитлари намоён бўлишини олдиндан кўриш учун уринишидир[7].

Юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва соҳанинг етакчи олимлари томонидан билдирилган фикрларда асосий эътибор узлуксизликни моҳияти ва концептуал асосларига қаратилган. Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият узлуксизлигини баҳолашнинг аниқ методологиясини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Натижалар. Тадбиркорлик субъекти фаолияти узлуксизлигини баҳолаш

борасида бир қанча олимлар илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, Н.Н.Овчинникова фикрича, бизнеснинг узлуксизлик принципига мослигини баҳолашда қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1-босқич. Тадбиркорлик субъекти фаолиятининг узлуксизлигини дастлабки баҳолаш;

2-босқич. Ҳаётий цикл босқичларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектининг молиявий иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш;

3-босқич. Прогноз қилинган молиявий маълумотларни баҳолаш;

4-босқич. Аудиторнинг якуний хулосаларини шакллантириш.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш мавзусида илмий изланиш олиб борган олимлар ва Н.Н.Овчинниковани фикридан келиб чиқадиган бўлсак, фаолият узлуксизлигини баҳолашда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларни атрофлича ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик субъекти фаолияти узлуксизлигини кредитга лаёқатлилигини ўрганиш нуқтаи назаридан қараганимизда қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

- Маблағлар айланиши таҳлили;
- Молиявий барқарорлик таҳлили;
- Фаолият самарадорлиги таҳлили;
- Банкротлик эҳтимолини баҳолаш;
- Боғлиқликнинг “Олтин қоидаси”;
- Кадрлар ҳаракати таҳлил;
- Бошқариш ва ташкилотчилик;
- Технологияларни ўзлаштириш даражаси;
- Товарларни рақобатбардошлик даражаси;
- Бозор конъюктурасини баҳолаш.



1-расм. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти узлуксизлигини баҳолаш схемаси.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолашда молиявий ва номолиявий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Молиявий кўрсаткичлар корхонанинг молиявий жиҳатларини таҳлил қилиш орқали баҳо беради, номолиявий кўрсаткичлар эса молиявий кўрсаткичлар воситасида аниқлаш имкони бўлмаган лекин фаолият узлуксизлигини баҳолашда муҳим бўлган жиҳатларини ўрганиш имконини беради.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш модели республикада амалда қўлланилаётган меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимлар томонидан олиб

борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Ушбу моделдан тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари, лизинг ташкилотлари ва кредит бюрolari кредит билан боғлиқ муомилаларни амалга ошириш жараёнида фойдаланишлари мумкин.

Ушбу модел иккита муҳим жиҳатга молиявий ва номолиявий кўрсаткичларга асосланиб баҳолайди. Бунда молиявий кўрсаткичлар тадбиркорлик субъекти фаолиятини таҳлил қилиш орқали келгусида узлуксиз фаолият юритишида молиявий жиҳатларига баҳо беради. Номолиявий кўрсаткичлар эса молиявий кўрсаткичлар орқали баҳо бериш имкони бўлмаган жиҳатларига эътибор қаратади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш модели¹

Кўрсаткичлар	Фаолият узлуксиз		Қисман узилишлар бўлади		Фаолиятда узилишлар бўлади	
	меъёри	алл	меъёри	алл	меъёри	алл
I. Молиявий кўрсаткичлар						
1.1. Маблағлар айланувчанлиги кўрсаткичлари						
ТМЗ айланиш коэффициенти	$Jtmz > 6$		$6 > Jtmz > 3$,5	$Jtmz < 3$	
Дебиторлик қарзлари айланиш коэффициенти	$Dak > 6$		$6 > Dak > 3$,5	$Dak < 3$	
Кредиторлик қарзлари айланиш коэффициенти	$Kak > 6$		$6 > Kak > 3$,5	$Kak < 3$	
1.2. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари						
Ликвидлилик коэффициенти (L_k)	$L_k > 1$		$1 > L_k < 0,5$,5	$L_k < 0,5$	
Молиявий мустақиллик коэффициенти (K_{mm})	$K_{mm} > 0,6$		$0,6 > K_{mm} < 0,3$,5	$K_{mm} < 0,3$	
Оборот маблағларини ўз айланма маблағлари таъминланганлик коэффициенти [9] ($O_{o'amk}$)	$O_{o'amk} < 0,2$		$0,2 > O_{o'amk} < 0,1$,5	$O_{o'amk} < 0,1$	
1.3. Фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари						
Хусусий капитал рентабеллиги (R_{xk})	$R_{xk} > 20\%$		$20\% > R_{xk} > 5\%$,5	$R_{xk} < 5\%$	
Активлар рентабеллиги [8] (R_a)	$R_a > ID$ (inflatsiya darajasi)		$ID > R_a > 5\%$,5	$R_a < 5\%$	
Сотиш рентабеллиги (R_s)	$R_s > 20\%$		$20\% > R_s > 5\%$,5	$R_s < 5\%$	
1.4. Банкротлик эҳтимолини баҳолаш						
Иқтисодий ночорлиги (банкротлигини) ни баҳолаш (Алтъман модели)	$ИН > 2,99$		$1,8 < ИН < 2,99$,5	$1,88 > ИН$	
1.5. Боғлиқликнинг "Олтин қоидаси"						
$A_{o's} < XK_{o's} < ST_{o's} < SF_{o's}$	Ўсиш		Номутаносиблик	,5	Пасайиш	

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

II. Номолиявий кўрсаткичлар					
2.1. Кадрлар ҳаракати таҳлили					
Кўнимсизлик коэффициенти (K_q)	$K_q < 0,1$		$0,5 > K_q > 0,1$,5	$K_q > 0,5$
Ишга қабул қилиш коэффициенти (K_{ishqq})	$K_{ishqq} > 0,3$		$0,3 > K_{ishqq} > 0,1$,5	$K_{ishqq} < 0,1$
Ишдан бўшатиш коэффициенти (K_{ishb})	$K_{ishb} < 0,2$		$0,5 > K_{ishb} > 0,2$,5	$K_{ishb} > 0,5$
2.2. Бошқариш ва ташкилотчилик					
Бошқариш ва ташкилотчилик	Таъсисчилар ва уларнинг ташкилий тузилмаси мавжуд, бошқариш самарадорлиги юқори, малакали мутахасислар мавжуд		Таъсисчилар ва уларнинг ташкилий тузилмаси мавжуд, бошқариш самарадорлиги ўрта, малакали мутахасислар қисман мавжуд	,5	Таъсисчилар ва уларнинг ташкилий тузилмаси шакллантирилмаган, бошқариш самарадорлиги паст, малакали мутахасислар мавжуд эмас
2.3. Технологияларни ўзлаштириш даражаси					
Технологияларни ўзлаштириш даражаси	Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган		Замонавий техника ва технологиялар билан қисман жиҳозланган	,5	Замонавий техника ва технологияларга эҳтиёж мавжуд
2.4. Товарларни рақобатбардошлик даражаси					
Товарларнинг рақобатбардошлик даражаси	Талаб мавжуд ва сотиш сервиси яхши йўлга қўйилган		Талаб мавжуд, аммо сотиш сервиси яхши йўлга қўйилмаган	,5	Талаб мавжуд эмас
2.5. Бозор конъюктураси					
Бозор конъюктураси	Баҳо сиёсати ва товарларни тарқатиш тизими яхши йўлга қўйилган, бозор ҳолати яхши ва бозорда мувозанат мавжуд		Баҳо сиёсати ва товарларни тарқатиш тизими йўлга қўйилган, бозор ҳолати яхши эмас ва бозорда мувозанат номуносиб	,5	Баҳо сиёсати ва товарларни тарқатиш тизими йўлга қўйилмаган, бозор ҳолати яхши эмас ва бозорда мувозанат бузилган
Жами:		0		5	

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш модели учта муҳим мезон асосида

тупланган жами балл 0 баллдан 30 баллгача оралиғда 3 та тоифага бўлиб баҳо беради.

3-жадвал

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигига баҳо бериш тартиби²

Тоифа	Қисқача изоҳ	Жами (балл)
1-тоифа	Бу тоифадаги тадбиркорлик субъектлари узлуксиз фаолият юритади ва ҳамкорлик қилиш юқори самара келтиради.	19-30
2-тоифа	Бу тоифадаги тадбиркорлик субъектлари қисман узлуксиз фаолият юритади ва ҳамкорлик қилиш самара келтиради.	9-18
3-тоифа	Бу тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида узилишлар бўлади ва ҳамкорлик қилиш самара келтирмайди.	0-8

Мунозара. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти давомида бир қанча хом-ашё ва материал сотиб олишда мол етказиб берувчилар билан тайёр маҳсулот сотишда эса харидор ва буюртмачилар билан ҳамкорлик қиладилар. Бунда тадбиркорлик субъектлари олдида турган асосий вазифалардан бири узлуксиз фаолият юритадиган ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишдир. Узлуксиз фаолият юритадиган ҳамкорлар билан алоқа ўрнатганда тадбиркорлик субъекти фаолияти ҳам узлуксиз давом этади. Натижада, тадбиркорлик субъектлари ҳамкорларининг узлуксиз фаолият юритишини баҳолаш зарурияти юзага келади. Бундан кўринадики, тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолашнинг ушбу моделининг бошқа моделлардан афзал жиҳатлари:

1. Ушбу модел корхоналар фаолияти узлуксизлигига аниқ, тўлиқ, кенг қамровли баҳолаш имкониятига эга.

2. Бошқа баҳолаш методларидан фарқли равишда корхоналар ишончилигини баҳолашда номолиявий мезонларнинг ҳам ҳисобга олинганлиги.

3. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш мезон(критерий)ларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

4. Халқаро тажрибалар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

Хулоса. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш модели тадбиркорлик субъектлари фаолияти узлуксизлигини баҳолаш бўйича қуйидаги маълумотларга эга бўлиш имконини беради:

- тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончилигини баҳолаш. Ишончли ахборотга эга бўлмасдан тадбиркорлик субъекти фаолиятига тўғри баҳо бериш имкони мавжуд эмас;

- тадбиркорлик субъектлари ишончилигини баҳолашда молиявий

² Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган.

жихатдан кенг қамровли баҳо бериш имконияти юзага келади;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий бўлмаган мезонлар асосида ишончилигини баҳолаш имконини беради.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда ушбу моделдан фойдаланиш ишончли корхоналар билан ишлаш орқали кредит рискинни сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qat'y-davom-ettiramiz>.
2. Бетге Йорг. Балансоведение: Пер. с нем. / Научный редактор В. Д. Новодворский; вступление А. С. Бакаева; прим. В. А. Верхоглядова. М.: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2000. 454 с.
3. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий веб-сайти.
4. Gayoung Ji, Jong Eun Lee. Managerial Overconfidence And Going - Concern Modified Audit Opinion Decisions. // The Journal of Applied Business Research – November/December 2015. Volume 31, Number 6.
5. Хажимуратов Н.Ш. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолият узлуксизлигини баҳолашга доир концептуал ёндашувлар. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябр-октябр, 2020.
6. Нгуен Тхи Ха Ми. Проведение оценки способности аудируемого лица продолжать свою деятельность в соответствии с МСА 570 “Непрерывность деятельности”. Вектор Экономики. №5, 2018.
7. Чориев И.Х. Аудиторлик фаолиятида тахлилий амалларни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: ТМИ. 2021. 63 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори. 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли Қарори. www.norma.uz.
9. Мельник М.В., Когденко В.Г. (2007) Экономический анализ в аудите. Учеб.пособие.-М.: ЮНИТИДАНА, 2007. – 543 с.